

Сотувчи ўз манфаатини ўйлаб алдаб фойда қилиши

09:22 / 11.02.2019 2664

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар. Мени бир қўшним болалар кийими магазинида оддий сотувчи бўлиб ишлайди. Магазинни эгаси товарлар олиб келганда, базан упаковкада 2тадан кийимлар ортиқча чиқади. Ўша кийимларни магазинни эгасига айтмай уйига олиб келади. Вахоланки товарлар уни пулига келмаган. Нега ундай қиласиз десам,- Ха барибир билмайди, билганда ҳам унга зарари ҳам йўқ, чунки оптомда олган жойидан ортиқча чиқади дейди. Унинг уйига олиб келган моли халолми? 2. Сотган товарларини магазинни эгасига ростини айтмайди, пул топширганида сотган товарларни нархини камроқ айтиб, қолганини чўнтагига олади. Нега ундай қиласиз десам, - кунига 15 минг берган пули нима бўлади рўзғоргаям етмайдику дейди. Уни бу олган фойда пулича халолми?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! 1). [Ҳалол](#) эмас.

2). Бу ҳам [ҳалол](#) эмас. [Валлоҳу аълам!](#)